

1. Туманнинг 1-чорак маҳаллий бюджет бўйича даромадлар прогноз кўрсаткичлар тўғрисида:

Жорий йилнинг 1-чорагида **маҳаллий бюджет** бўйича белгиланган даромадлар прогнози режаси **42801,7 млн. сўм** этиб белгиланган бўлиб, хақиқатда **43560,2 млн.сўмга** (*101,8 фоиз*) ёки **758,5 млн. сўм** ортиги билан ижро этилди.

Жорий йилнинг **1-чорак** прогноз кўрсаткичлари умумий ҳолатда бажарилган бўлсада, **4 та солик тури** бўйича белгиланган режа кўрсаткичлар *бажарилмади*:

- Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солик бўйича - **1373,5 млн. сўм** га тушумлар тушиши таъминланмади ёки белгиланган прогноз 75,5%га бажарилган;

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича -**195,9 млн. сўмга** тушумлар тушиши таъминланмади ёки белгиланган прогноз 98,7%га бажарилган;

- Айланмадан солик (Ягона солик тўлови) бўйича **-72,0 млн. сўмга** тушумлар тушиши таъминланмади ёки белгиланган прогноз 98,3%га бажарилган;

- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик (маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун соликдан ташқари) бўйича **-60,4 млн. сўмга** тушумлар тушиши таъминланмади ёки белгиланган прогноз 54,3%га бажарилган;

2.Туманнинг 1-чорак маҳаллий бюджет харажатлари кўрсаткичлар тўғрисида:

2025 йил 1-чорак давомида туман маҳаллий бюджетининг харажатлар қисми **89,2 фоизга** ижро этилиб, **59 млрд 128,7 млн. сўмлик** харажатлар амалга оширилди. Шу давр мобайнида, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари учун **28 млрд 24,3 млн. сўм** маблағ молиялаштирилди, бу жами маҳаллий бюджет ҳаражатларининг **47,4 фоизини** ташкил қиласди.

Жумладан: умумий таълим соҳаси бўйича **7368,5 млн.сўмлик**, мактабгача таълим соҳаси бўйича **18026,2 млн. сўмлик**, спорт соҳаси бўйича **2001,5 млн.сўмлик**, ободонлаштириши соҳаси бўйича **5891,7 млн.сўмлик**, Давлат бошқарув органлари соҳаси бўйича **12808,8 млн.сўмлик**, бошқа ҳаражатлар бўйича **13032,0 млн.сўмлик** ҳаражатлар амалга оширилди.

3.Маҳаллий бюджетнинг Захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш:

Жорий йилнинг 1-чорак давомида маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағларидан **530,2 млн.сўми** қуйидаги мақсадларга сарфланган. Жумладан:

-Ургут туман ҳокими Б.Жабборов, туман Инвестициялар, саноат ва савдо шубаси бош мутахасиси О.Суюновнинг жорий йил 15-23-январ кунлари Хитой Халы Республикасига хизмат сафарига бориб келиши сафар ҳаражатлари учун **53,1 млн.сўм**;

- Туман ҳокимлиги Ахборот хизматининг моддий техник базаси учун зарур булган техникалар харид қилиш учун **35,9 млн.сўм**;

-Тумандаги ички йўлларни шағаллаштиришда харакатланаётган техникаларга дизел ёқилғиси олиш учун **200,0 млн.сўм**;

-Қорабулоқ маҳалласи "Ўн уйли" қишлоғида истиқомат қилаётган аҳоли хонадонларига сифатли тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида тармоқ тортиш ишлари учун **60,0 млн. сўм**;

-Бойбул маҳалласида истиқомат қилаётган аҳоли хонадонларига сифатли тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида 1 дона сув минораси харид қилиш ва ўрнатиш харажатлари учун **76,0 млн.сўм**;

- Ургут туманида Наврўз байрамини қўтаринки кайфиятда ўтказиши харажатлари учун **102,6 млн.сўм** маблағ ажратилди.

3.Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбааларидан фойдаланиш:

Жорий йилнинг 1-чораги давомида маҳаллий бюджетининг 2025 йил 1 январ ҳолатига **4598,5 млн. сўм** эркин қолдиқ маблағлари шаклланган бўлиб, ушбу маблағларнинг **4590,1 млн.сўми** қуидаги мақсадларга сарфланган. Жумладан:

-Жамоатчилик фикри асосида шаклланадиган тадбирларни молиялаштириш мақсадида туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га **1777,0 млн.сўм**;

-Туман ҳокимликларига 2025-йилда ахборот-коммуникатсия технологияларини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш "Ахборот-коммуникатсия технологияларини ривожлантириш маркази" томонидан қўрсатиладиган хизматлари учун **130,4 млн.сўм**;

-Тумандаги Санчиқул, Узунсой ва Узун маҳаллаларга янги бино қурилиш ҳамда Терак маҳалласи биносини кўчириш ва таъмирлаш харажатлари учун **600,0 млн.сўм**;

-Тумандаги маҳаллаларга кузатув камералари ўрнатиш учун **200,0 млн. сўм**;

-Тасвирий ойна ижодий уюшмаси томонидан тайёрланган ситилолар, баннерлар ва ўрнатиш харажатлари учун **100,0 млн.сўм**;

- Тумандаги Кичик Торинжак, Ўрамас, Почвон, Узун ва Хўжа Гузар маҳаллалар аҳолиси электр-енергияси таъминотини яхшилашга зарур бўладиган жиҳозлар олиш учун **250,0 млн.сўм**;

-"Нуроний" жамғармаси Ургут туман бўлими ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, уларни келгусида қасб танлаш ва хаёт йўлинни топишда муҳим рол ўйнайдиган "Уч авлод учрашуви" тадбирларини йил давомида ўтказиши харажатлари учун **100,0 млн.сўм**;

-Туман марказидаги Мерганча, Дўстлик, Навбог маҳаллаларида ўтказиладиган оммавий тадбирлар, истироҳат боғи, хиёбонлар, йирик ҳамда аҳоли гавжум кўчалар ва бозорларни 2025 йил феврал, март ойи қўриқлаш хизмати учун **108,7 млн. сўм**;

-Ўрамас ОШП биносини таъмирлаш харажатларига олинадиган қурилиш моллари сотиб олиш учун **300,0 млн.сўм**;

-Тумандаги умумтаълим мактаблари ҳамда Мўминобод маҳалласида жойлашган 160-сон умумтаълим мактабига адабий китоблар сотиб олиш учун **100,0 млн.сўм**;

-"Ватан" журнали обунаси учун **136,8 млн.сўм**;

-Туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ва туман ҳокимлиги айрим тоифадаги ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман Халқ қабулхонаси ходимларини устами ва рағбатлантириш учун **108,7 млн.сўм**;

-Тумандаги умумтаълим мактабларига 64 дона замонавий компьютер жамланмаси сотиб олиш учун **320,0 млн. сўм** маблаг ажратилди.